

Шерободда меҳнат ярмаркаси ташкил этилди



Меҳнат ярмаркасига Сурхондарё вилоят ташқи меҳнат миграцияси раҳбари Х.Эрдонов, тумандаги ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ҳамда тумандаги ишсиз бўлган 300 га яқин фуқаролар иштирок этишди.

Меҳнат ярмаркасига ташриф буюрган ишсиз фуқаролардан 50 га яқини тумандаги ташкилот ва корхоналардаги бўш иш ўринларига ишга жойлашган бўлса, Германия давлатига ишга боришни хоҳловчи 30 га яқин ёшлар немис тилини ўрганиб В1 сертификат олиш учун касб-ҳунар марказида ташкил қилинаётган тил ўргатиш курсига ўқиш истагини билдирди.